Шу саноат корхонасига ўхшаш корхонада авария сабабли бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги ҳақида хабар эшитилгандан кейин ҳам, режадан ташқари инструктаж ўтказилади.

Кундалик йўл - йўриқлар. Наряд-допуск билан бажариладиган хавфли ишлар учун иш бошлашдан олдин ўтказилади. Бу йўл – йўриқлар ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот наряд-допускка ёзиб қўйилади.

### **хавфсизликни таъминловчи асосий шартлар**

Машина ва механизмларнинг пухта ишлашини таъминлашдаги асосий омилларидан бири уларнинг ҳолатини назорат қилувчи асбобускуналар ва автоматик бошқариш ва мувофиқлаштириш қурилмалари билан жиҳозлашдир. Баъзи бир ҳолларда автоматик бошқариш тизими ишламай қолиши мумкин. Унда умуман технологик жараёни бошқариш ишлаётган ишчи зиммасига тушади ва унинг хавфсизлиги тўлиқ бошқарувчи киши маҳоратига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам саноат жиҳозларини лойиҳалашда, бу жиҳозларни бошқариши керак бўлган оператор имкониятларини рухий ва физиологик жиҳатларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Албатта бир неча ўнлаб шкала, сигнал ва бошқа белгиларни юборувчи назорат-ўлчов қурилмалари ҳолатини ҳисобга олиш ва керакли

кўрсатмалар билан таъминлаб, технологик жараёни тўхтовсиз давом эттириш ишчидан катта маҳорат талаб қилиши билан бирга уни кучли толиқишга ва маънавий чарчашга олиб келади. Шунинг учун ҳам машина ва механизмларнинг бошқариш органлари аниқ кўринадиган ва енгил бошқариладиган ва фарқлаш осон қилиб жойлаштиришга катта эътибор берилади. Уларни станокни ўзига ёки бўлмаса станокдан бирмунча олисликда жойлаштирилган бошқариш марказига жойлаштирилади. Саноат корхоналарига ўрнатиладиган жиҳозлар тартиб билан жойлаштирилиши, кўздан кечириш учун қулай, мойлаш, қисмларга ажратиб таъмирлаш, созлаш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва бошқариш осон бўлиши керак.

Машинасозлик саноати корхоналарида ишчиларнинг чарчашига фақатгина жисмоний ва асабий чарчашгина таъсир қилиб қолмасдан балки маънавий чарчаш ҳам қўшилиб кетиши мумкин. Шунинг учун цехларда ўрнатилган машина-механизмларининг ҳар хил рангларга бўйаш, корхона деворларини машина ранглари билан мутаносиб бўйашга эришиш катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланган.

### **машиналарнинг хавфли зоналари**

Машина ва механизмларнинг инсон ҳаётига ва соғлигига хавф туғдирадиган ҳолатларни вижудга келтирадиган жойлари хавфли зона деб аталади. Хавфли зона асосан машина ва механизмларнинг очиқ ҳолдаги айланадиган ва ҳаракатланадиган қисмларида мужассамланади. Бу айланаётган қирқувчи асбоб ёки детал, қайишли, занжирли ва тишли узатмалар, ҳаракатланувчи станокларнинг ишчи столлари, конвейерлари, юкларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юрадиган юк кўтариш машиналари ва ҳ.к. Айланувчи қисмлар билан ишчиларнинг кийимидан ёки сочидан илинтириб олиши мумкин бўлган механизмлар айниқса хавфли ҳисобланади.

Шунингдек хавфли зоналар қаторига машина ва механизмларда ишлаганда электр токидан зарарланиш, иссиқлик, электромагнит,

ионлашган нурлар, шовқин, титраш, ультратовуш, захарли газ ва буғлар таъсирига тушиб қолиш ҳам киради. Станокларда ишлаётганда қирқимларнинг учиб кетиши, ишлатилаётган асбобнинг синиб отилиб кетиши, деталл яхши сиқиб ушланмаганлиги натижасида отилиб кетиб ишчиларни жароҳатлаши ҳам хавfli зонага киритилади. Хавfli зоналар доимий, ҳаракатланувчан ва вақти-вақти билан пайдо бўладиган турларга бўлинади. Доимий хавfli зонага қайишли, занжирли ва тишли узатмалар, станокларнинг қирқиш зоналари ва ҳаракатланувчи валиклар киради. Ҳаракатланувчан хавfli зонага прокат қилиш станлари, поток линиялари, конвейерлар, қирқиш жойи ўзгариб турадиган агрегат станоклари ва бошқалар киради.

Вақти-вақти билан пайдо бўладиган хавfli зоналарга юк кўтариш кранлари, кран балкалар, таль ва телферлар киради. Чунки бу қурилмалар цех бўйлаб иш жойларини доимий ўзгартириб туради ва қаерда иш бажараётган бўлса, шу ерда хавfli зона вижудга келади.

Ҳар қандай технологик жараёни бошқариш учун ўрнатиладиган станок ва қурилмаларнинг ҳаммасининг хавfli зоналари, албатта, унга кишиларнинг тушиб қолмасликларини таъминлайдиган воситалар билан таъминланиши керак. Бундай воситаларнинг баъзилари хавfli зона хавфини бутунлай йўқотади, баъзилари эса хавф даражасини бирмунча камайтиради. Бундай воситалар умуман муҳофаза қилиш шароитига қараб икки гурпуага бўлиб қаралади. Булардан бири цехда ҳамма ишловчиларни муҳофаза қилиш имкониятини яратадиган коллектив муҳофаза аслаҳалари ва иккинчиси айрим ишлаётган ишчини муҳофазалаш имкониятини берадиган шахсий муҳофаза аслаҳалари ҳисобланади.

Коллектив муҳофаза аслаҳалари ўзининг ишлатиладиган жойларига қараб қуйидагича бўлиниши мумкин: иш жойлари ва саноат корхоналари ҳаво муҳитини мутадиллаштириш, саноат корхоналари хоналарини ва иш жойларини ёритишни нормаллаштириш, ишчиларни ионланувчи инфрақизил ва ультра бинафша \_8нурлардан, шунингдек электромагнит,

магнит ва электр майдонларидан, шовқин, титраш, ультратовуш тўлқинларидан, электр таъсиридан, электростатик зарядлардан, корхонада ўрнатиладиган жихозлар, материаллар, тайёр маҳсулотлар, хомашёларнинг ўта иссиқ ва ўта совуқ таъсиридан ва ниҳоят механик, кимёвий ва биологик омилларнинг таъсиридан муҳофаза қилувчи воситалар киради. Яна чанг ва захарли моддаларга қарши ўрнатилган воситаларни ҳам шулар жумласига киритиш мумкин.

Шахсий муҳофаза аслаҳалари ўз навбатида муҳофазалаш шароитига қараб муҳофаза бош кийимлари, нафас олиш органларини муҳофазаловчи қурилмалар, махсус кийимлар, махсус оёқ кийимлари, қўлни, юзни, кўзни, кулоқни муҳофаза қилувчи воситалар, йиқилиб (баландликда ишлаётганлар учун) тушмасликни таъминловчи ва терини зарарланишдан сақлайдиган воситаларга бўлинади.

Машинасозлик саноатида қўлланиладиган ҳамма муҳофаза воситалари асосида, тўсиқ воситалари, муҳофазалаш қурилмалари, чегараловчи ва сигнал воситалари, блокировка тизимлари ва шунингдек машина ва механизмларни масофадан туриб бошқариш воситаларига бўлиш мумкин. Бу воситалар ўз навбатида бир неча майда синфларга бўлинади. Шунинг учун буларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

### **Ишлаб чиқариш муҳитининг метеорологик шароитлари**

Ишлаб чиқариш муҳитининг, жумладан, бино, уйларнинг метеорологик шароитлари ёки микроиклим тушунчасига ҳаво ҳарорати, унинг намлиги ва ҳаракатчанлиги, босими, шу билан бирга қизиқ кетган асбоб ускуна, ишланадиган материал ва буюмлардан ажралиб чиққан инфрақизил ҳамда ультрабинафша нурлар киради.

Ишлаб чиқариш муҳитининг микро-иклимга иккита асосий ички ва ташқи сабаблар боғлиқ бўлади. Ички сабаблар нисбатан доимий характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш технологиясига, қўлланиладиган асбоб-ускуналарга ва санитария-техникавий қурилмаларга боғлиқ бўлади.

Ички сабабларнинг таъсир кучи қўлланиладиган асбоб-ускуналарнинг кувватига ва санитария-техникавий қурилмаларнинг сифатига боғлиқ бўлади. Ташқи сабаблар ўзгарувчан характерга эга бўлиб, йил фаслларига, об-ҳавога, кеча ва кундузга боғлиқ бўлади. Ташқи сабабларнинг таъсир кучи биноларнинг деворга, томига, қандай материалдан қурилганига, ромларнинг бор йўқлигига ва уларнинг йўқлигига ва уларнинг сифатига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш биноларнинг иссиқлик режими, бино ичига тушиб турган қуёш нурларидан ажралиб чиқадиган иссиқликдан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш биноларидаги ажралиб чиқадиган иссиқликнинг бир қисми очиқ жойлардан ташқарига чиқиб кетади, қолган иккинчи бир қисми аниқ иссиқлик бино ҳавосини қизишига сабабчи бўлади.

Ишлаб чиқариш биноларининг лойихалаштириш санитария нормаларига (СН 245-71) асосан, ишлаб чиқариш биноларини аниқ иссиқлик ажралиб чиқишига қараб иккига бўлинади: иссиқ ишлаб чиқариш биноларида аниқ иссиқлик ажралиб чиқиши 20 ккал м соатдан кўп дейилади ва совуқ(нормал) ишлаб чиқариш бинолари, қачонки аниқ иссиқлик ажралиб чиқиши 20 ккал м/ соатдан ошмайди.

Ишлаб чиқариш биноларида ҳаво иссиқ жисмларга тегиши натижасида исийди, енгиллашади ва юқорига кўтарилади, ўнинг ўрнини эса ундан сал оғирроқ совуқ ҳаво эгаллайди, ўз навбатида у ҳам иссиқ жисмларга тегиб исийди ва юқорига кўтарилади. Шундай қилиб ҳавонинг доимий ҳаракатда бўлгани учун фақат иссиқ жисмлар атрофидаги ҳаво иссиб қолмасдан ишлаб чиқариш биноларининг ҳамма еридаги ҳаво исийди. Бундай иссиқлик узатилиши конвекцион иссиқлик узатилиши йўли дейилади.

### **Шовқин ва унинг инсон танасига таъсири**

Шовқин, силкиниш ва ультратовушлар ажралиб чиқишга қараб бир хил бўлади улар ҳаммаси жисмларнинг тебранишидан ташкил топиб, бизнинг эшитиш аъзоларимиз томонидан қабул қилинади. Улар бир-



бирларидан фақат тебраниш частотаси билан ва одамлар уларни ҳар хил қабул қилиши билан фарқ қиладилар.

20гц дан 20000 гц гача тебранишларни товуш деб аталади ва уларни биз товушдек эшитамиз. Шундай бир қанча товушларни тартибсиз кўшилиши шовқин деб аталади. 20 гц дан паст бўлган тебранишларни инфратовуш деб аталади. 20000 гц дан юқори бўлган тебранишларни эса ультратовуш дейилади. Ультратовушларнинг биз эшита олмаймиз, уларни фақат баъзи бир уй хайвонларигина эшита олади.

Қаттиқ жисмларнинг тебранишига ва шу тебранишларни жисмларнинг ўзлари ёки бошқа қаттиқ жисмлар орқали ўзатилишига силкиниш дейилади. Силкинишни биз чайқалишдек қабул қиламиз ва уларни тебраниш частотаси 1 гц дан 100 гц гача бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек турли частотадаги ҳар хил товушларнинг тартибсиз кўшилишиб эшитилиши шовқин деб аталади. Ритимларга риоя қилинган ҳолда мунтазам равишда келиб чиқадиган оҳанграбо товушларга музикали товушлар деб аталади. Музика ва шунингдек, шовқин, бир вақтнинг ўзида товуш чиқарадиган қатор оддий ёки соф тонлар, яъни товуш чиқарадиган жисмларнинг майин тебранишидан келиб чиқадиган товушлардан иборат. Шунинг учун ҳар қандай овоз алоҳида компонентларга бўлиниши мумкин. Муסיқа бизга эстетик завқ беради, шовқин эса ғашимизни келтирадиган даражада таъсир қилади.

Қаттиқ шовқин эшитиш органларига ёмон таъсир қилиши натижасида ишчиларнинг эшитиш қобилияти пасайиб кетади. Бунда, аввало энг кучли даражада юқори тебраниш частотасига эга бўлган товушларни қабул қилиш бузилади. Бу кўпинча юқори частотага эга бўлган пичирлаб гапиришни яхши эшитмаслик билан ифодаланади. Жуда кўп тебранишларга эга бўлган товушлар қар бўлиб қолишда асосий роль ўйнайди. Паст товушлар ёки оз сонли тебранишларга эга бўлган товушлар, гарчи уларнинг кучи ёки тебраниш амплитудаси катта бўлганда ҳам деярли зарарсиз ҳисобланади. Бу қозончаларда ва қозончаларда пневматик

асбоблар билан ишловчи ҳамда бошқа одамлардан ажралган ҳолда якка ишловчи бошқа касб эгаларида эшитиш қобилиятининг тезда пасайиб кетиши билан ифодаланади.

### **Хавфли химиявий моддаларни инсон организмига кириш йўллари**

Хавфли химиявий моддалар танага нафас йўллари тери ва овқат хазм қилиш йўллари орқали киради .

Нафас йўлларининг бошдан оёғигача қопланган шиллик пардалар суриш хусусиятларига эга. Бурун ва халқумга кирган хавфли химиявий моддалар уша ернинг ўзидаёқ шимилла бошлаши мумкин. Лекин кўпчилик хавфли химиявий моддаларнинг асосий шимилиши ўрни нафас олиш йўлларини анча ичкаридаги қисмлари бронхиолалар ва асосан альвеолалар ҳисобланади. Упкага кўп миқдордаги қоннинг тўхтовсиз келиб туриш натижасида упка альвеолаларига кирган захарли упка капиллярлари орқали қон айланишининг катта доирасига ўтади. Организмга ошқозон ичак йўллари орқали кирган захарлар кучлироқ таъсир этади, чунки нафас йўллари орқали кирган хавфли химиявий моддалар, уларни(хавфли химиявий моддаларни) тутиб қолишдан ва зарарсизлантиришда муҳим роль ўйнайдиган жигар тўсиғига кирмасдан, тўғридан-тўғри катта қон айланиш системасига ўтадилар.

Хавфли химиявий моддаларнинг чанг ва буғларини кишилар ютганда овқат хазм қилиш йўлларига киради. Хавфли химиявий моддалар асосан ичакларда ва қисман ошқозонда шимилгани сабабли, ошқозонга тушган хавфли химиявий моддаларни таъсири ошқозондаги овқатларни ичакларга ўтиш тезлигига боғлиқдир. Сувда эримайдиган баъзи хавфли химиявий моддалар ичакларга ўтганда, эрийдиган бўлиб қолади ва шундай қилиб қонга ўтади. Шимилладиган моддаларнинг кўп қисми ичаклардан дарвоза вена қон айланиш системаси орқали, яъни хавфли қисман зарарсизлантиришадиган жигар орқали ўтади. Ёғлардан ва липидлардан эрийдиган захарлар эса тери орқали кириши мумкин. Нафас йўллари

орқали кирадиган хавфли химиявий моддалар каби, тери орқали кирадиган захарлар ҳам жигарга бормаи қон айланиши тўғридан-тўғри ўтади.

Танага у ёки бу йўл билан кирган хавфли моддалар баъзан тўқималарда кўп миқдорда тўпланиб қолади бу ерда улар муваққал ва турғун деполар ҳосил қилади. Бундай деполар асосан жигар, суякларда бошқа органлар ва тўқималарда пайдо бўлиши мумкин. Турли сабаблар таъсирида(касаллик, алкоголь, бахтсиз ходиса) деподаги захарлар қонга ўтиб организм захарланади. Липоидларда эрийдиган ва организмда қийинчилик билан парчаланадиган захарлар масалан, бензол, ароматик нетро ва амидо бирикмалар ҳамда бошқалар кўпинча муваққал депо ҳосил қилади. Булар бир неча хафта ёки кунлар давом этиб қайта захарланишни келтириб чиқариши мумкин.

Буйрак ва ичаклар захарларнинг организмда ажралиб чиқишига асосий восита ҳисобланади. Металлар, эфир ёғлари, буёқлар ва бошқа моддалар кўпинча буйрак ва ичаклар орқали ажралиб чиқади металлар ва металлоидларнинг буйрак ва ичаклар билан алоқаси тухтагандан кейин, узоқ вақтгача ҳатто ойлар давомида улардан ажралиб чиқиши мумкин. Баъзи ҳолларда хавфли химиявий моддалар танадан ҳеч ўзгаришсиз, бошқа ҳолларда эса уларнинг дериватлари шаклида ажралиб чиқади. Бўғга айланувчи турли моддалар, алкоголь, бензин, эфир ва бошқалар ўпкадан чиққан ҳаво орқали ажралиб чиқиши мумкин. Баъзи ҳолларда захарли химиявий моддалар, масалан, кўрғошин, симоб, мишьяк, бром аёллар танасидан эмадиган болаларнинг соғлом ўсишида муҳим роль ўйнайдиган сут безлари орқали ҳам ажралиб чиқиши мумкин. Баъзи бирлари (анилин, нитро бензол ва бошқалар) эса тери орқали қисман бўлса ҳам ажралиб чиқади. Мана шундай пайтларда улар чиқиш йўлларида иккинчи марта таъсир кўрсатиши мумкин. Юқорида номлари кўрсатилган захарли химиявий моддалар тери орқали ажралиб чиққанида, ҳосил бўладиган дерматитлар ва бошқалар кўп даражада ана шунга боғлиқдир.

## Чанглар ва уларнинг хусусиятлари

Чанг деб, ҳавода қаттиқ жисмларнинг майда зарраларини маълум бир вақтда осилиб турилишига айтилади. Чанглар ҳаво таъсири остида доимо ҳаракатда бўлади. Ишлаб чиқариш биноларидаги ҳавонинг таркибида, у ёки бу миқдорда чанг бўлади, ҳатто нисбатан тоза чангсиз деган хоналарда ҳам маълум миқдорда чанг бўлади. Буни оддий қуролланмаган кўз билан ҳам ўтиб турган қуёш нурларига қараганда кура олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш биноларида чангни кўплаб ажралиб чиқиши, ишлаб чиқариш технологиясини характерига боғлиқ. Ишлаб чиқариш шароитида чанг ажралиб чиқиши кўпинча механик жараёнлар билан боғлиқдир, масалан, бураб тешиш, парчалаш, ишқалаш, элаш, ўткирлаш, арралаш, сепиладиган материалларни ташиш, куйиш ва эришдан ҳосил бўлади. Чанг бундай пайтларда ишчилар танаси учун хавфли бўлиб, уларни ўраб турган муҳитни аниқловчи бир омил бўлгани учун биз уларни sanoat чанглари деб атаيمиз.

Чангли ишлаб чиқариш биноларида ишловчи ишчилар, чангнинг ҳам ташқи, ҳам ички таъсирига учрайдилар. Чанг оғиз, бурун бўшлиқларига, терига, кўзга ва юқори нафас олиш йўллариغا таъсир қилади, сўлак билан ютилиб овқатланиш аъзоларига таъсир қилади ва нафас олинаётган ҳаво билан ютилиб овқатланиш аъзоларига таъсир қилади ва нафас олинаётган ҳаво билан нафас олиш органининг энг узоқ участкаси бўлак ўпкагача бориб етадилар. Чанги ташқи таъсири унча хавфли эмас, чунки ишчи чангли муҳитдан чиқиб, қўлини, бетларини ювиши билан ёки қоқиб ташлаши билан чанг билан бўлган алоқа тугайди. Бундан ташқари тери ҳамма чангларни ҳам ичкарига ўтказмайди ва ўзи ҳам ўларни таъсирига берилмайди.

Сўлак билан ютилиб овқатланиш йўллариغا таъсир қиладиган чанглар ҳам унча хавфли эмас, чунки улар оз миқдорда ютиладилар. Энг хавфли чанглар, булар нафас олаётганда организмга кирган чанглардир. Улар нафас олаётган ҳаво билан жуда катта миқдорда организмга кириб, фақат

бир қисмигина ташқарига чиқиб кетади. Бундай шароитда жуда кўп миқдордаги чанглар узок вақтда нафас олиш йўлларини шиллик пардалари билан муносабатда бўладилар ва уларга таъсир қиладилар.

### **Саноат корхоналарини ёритишга қўйиладиган**

#### **Асосий талаблар**

Ёруғлик инсон фаолияти давомида жуда муҳим роль ўйнайди. Кўриш инсон учун асосий маълумот манба ҳисобланади. Умумий олинадиган маълумотнинг тахминан 90% кўз орқали олинади. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарини рационал ёритиш сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шароитини яхшилайти, ишчиларни чарчашдан салайти ва унумдорлигини оширади. Оқилона ёритилган зоналарда ишлаётган ишчиларнинг кайфияти яхши бўлади; шунингдек хавфсиз меҳнат қилиш шароити яратилади ва бунинг натижасида бахтсиз ходисалар кесин касаяди. Бундан кўриниб турибдики, саноат корхоналарини ёритишга фақат гигиеник талаб қўйилмасдан, балки техник иқтисодий талаблар ҳам қўйилади. Электромагнит спекторларининг тўлқин узунликлари 10 н.м дан 340000 н.м гача оралиғи спекторлари оптик жарёни деб аталади, бундан 10 дан 380 н.м и инфрақизил нурлар, 380 дан 770 н.м и кўринадиган нурлар ва 770 дан 340000 н.м гача бўлганлари эса ультра-бинафша нурлар деб айтилади. Биз кўзимиз билан бинафша рангдан то қизил рангача бўлган ёруғлик нурларини сезамиз.

#### **Электр токининг инсон организмига таъсири**

Электр токидан инсон организмидан термик (яъни иссиқлик), электролитик ва биологик таъсир кўрсатилади.

Электр токининг термик таъсири инсон танасининг баъзи жойларида куйиш, қон томирлари, нерв ва хужайраларнинг қизиши сифатида кузатилади. Электролитик таъсир эса, қон таркибидаги ёки хужайралар таркибидаги тузалрнинг парчаланиши натижасида қоннинг физик ва кимёвий хусусиятларининг ўзгаришига олиб келадиган ҳолат тушунилади. Бунда

электр токи марказий асаб тизими ва юрак-қон тизимни кесиб ўтмасдан тананинг баъзи бир қисимларигагина таъсир кўрсатиши мумкин.

**Электр токининг биологик таъсири** – бу тирик организм учун хос бўлган хусусият ҳисобланади. Бу таъсир натижасида мускулларнинг кескин қисқариши туфайли инсон организмидаги тирик хужайралар тўлқинланади, бунда асосан организмдаги биоэлектрик жараён бузилади. Яъни инсон организми асосан биоэлектрик тоқлар ёрдамида бошқарилади. Бунга ташқи муҳитдан юқори кучланишдаги электр токининг таъсири натижасида биотоқлар режими бузилади ва оқибатда инсон организмида ток уриш ҳолати вужудга келади. Яъни бошқарилмай қолган организмда ҳаёт фаолиятининг баъзи бир функциялари бошқарилмай қолади: нафас олишнинг ёмонлашуви, қон айланиш тизимининг ишламай қолиши ва х.к.

Электр токининг инсон организмга таъсирининг хилма хиллиги дан келиб чиқиб, уни икки гурупага бўлиб қарш мумкин: маҳаллий электр таъсири ва ток уриш.

**Маҳаллий электр таъсири** - куйиб қолиш, электр белгилари ҳосил бўлиши, терининг металлашиб қолиши ҳолларидир. Электр таъсирида куйиш асосан организм билан электр ўтказгичи ўртасида волта ёйи ҳосил бўлганда содир бўлади. Электр ўтказгичдаги кучланишнинг таъсирига қараб бундай куйиш турлича бўлиши мумкин. Енгил куйиш фақат яллиғланиш билан чегараланади, ўртача оғирликдаги куйишда пуфакчалар ҳосил бўлади ва оғир куйишда хужайра ва терилар кўмирга айланиб, оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Электр белгилари – бу терининг устки қисмида аниқ кулранг ёки оч сарғиш рангли 1-5 мм диаметрдаги белги пайдо бўлиши билан ифодаланади. Бундай белгилар одатда хавfli эмас. Терининг металлашиб қолишида, одатда эриб майда заррачаларга парчаланиб кетган метал тери ичига кириб қолади. Бу ҳолат ҳам электр ёйи ҳосил бўлганда рўй беради. Маълум вақт ўтгандан кейин бу тери кўчиб тушиб кетади ва ҳеч қандай асорат қолдирмайди.

Электр уриши (ёки ток уруши ҳам деб юритилади) тўрт даражага бўлиб қаралади.

1. мускуллар кескин қисқариши натижасида одам ток таъсирида чиқиб кетади ва хушини йўқотмайди.

2. мускуллар кескин қисқариши натижасида одам хушини йўқотади, аммо юрак ва нафас олиш фаолияти ишалб туради.

3. хушини йўқотиб нафас олиш тизим ёки юрак уриши тўхтаб қолади. клиник ўлим ҳолати, бунда инсонда ҳеч қандай ҳаёт аломатлари кўринмай қолади.

### **Электр токи таъсирига тушган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш**

Электр токи таъсирига тушган кишига тиббиёт ходими келгунга қадар кўрсатиладиган ёрдамни икки қисмга бўлиб қаралади: ток таъсиридан қутқазуш ва биринчи ёрдам кўрсатиш.

Ток таъсиридан қутқазуш ўз навбатида бир неча хил бўлиши мумкин. энг осон ва қулай усули бу электр қурилмасининг ўша қисмига келаётган токни ўчиришдир.

Агар бунинг иложи бўлмаса (масалан, ўчириш қурилмаси узокда бўлса), унда ток кучланиши 1000 В дан кўп бўлмаган электр қурилмаларида электр симларини сопи ёғочли бўлган болталар билан кесиш ёки зарарланган кишининг кийими қуруқ бўлса, унинг кийимидан тортиб ток таъсиридаи қутқазиб қолиш мумкин. Агар электр токининг кучланиши 1000 В дан ортиқ бўлса, унда диэлектрик қўлқоп ва электр изоляцияси мустаҳкам бўлган электр асбобларидан фойдаланиш керак.

Электр таъсирига тушган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш, унинг ҳолатига қараб белгиланади. Агар таъсирланган киши хушини йўқотмаган бўлса, унинг тинчлантириб, врач келишини кутиш ёки уни тезда даволаш муассасасига олиб бориш зарур.

Агар ток таъсирида хушини йўқотган аммо нафас олиши ва юрак тизими ишлаётган бўлса, унда уни қуруқ ва қулай жойга ётқизиш,

камари ва ёқасини бўшатиш ва соф ҳаво келишни таъминлаш зарур. Нашатир спирти ҳидлатиш, юзига сув пуркаш, танасини ва қўлларини ишқалаш яхши натижа беради.

Агар жароҳатланган кишининг нафас олиши қийинлашса, калтираш ҳолати бўлса, аммо юрак уриш ритми нисбатан яхши бўлса, унда бу кишига сунъий нафас олдириш ишларини бажариш зарур.

Клиник ўлим ҳолати юз берган тақдирда сунъий нафас бериш билан бир каторда юракни устки томондан массаж қилиш керак.

Сунъий нафас бериш жароҳатланган кишини тоқ таъсирдан қутқазиб олиш, унинг ҳолатини аниқдаш биланок бошланиши керак. Сунъий нафас бериш "оғиздан оғизга" деб аталувчи усул билан, яъни ёрдам кўрсатувчи киши ўз ўпкасини ҳавога тўлдириб, жароҳатланган киши оғзи орқали унинг ўпкасига бу ҳавони ҳайдади. Одам ўпкасидан чиққан ҳаво, иккинчи одам ўпкаси ишлаши учун етарли мидорда кислородга эга бўлиши аниқланган. Бу усулда жароҳатланган киши чалқанча ётқизилади, оғзини очиб бегона нарсалардан тозаланади. ҳаво ўтиш йўлини очиш учун бошини бир йўли билан пешона аралаш кўтарилади, иккинчи йўл билан даҳанидан тортиб, даҳанини бўйни билан тахминан бир чизиққа келтирилади . Шундан кейин кўкрак қафасини тўлдириб нафас олиб, куч билан бу ҳавони жароҳатланган киши оғзи орқали пуфланади. Бунда ёрдам кўрсатаётган киши оғзи билан, жароҳатланган кишининг оғзини бутунлай беркитиши ва юзи ёки панжалари ёрдамида унинг бурнини беркитиш керак.

Шундан кейин ёрдам кўрсатувчи бошини кўтариб яна ўпкасини ҳавога тўлдиради. Бу вақтда жароҳатланган киши пассив равишда нафас чиқазади. Бир минутда тахминан 10-12 марта пуфлашни доқа, дастрўмол ва трубка орқали ҳам бажариш мумкин. Агар жароҳатланган киши мустақил нафас олишини тиклаган тақдирда ҳам, сунъий нафас олдиришни унинг нафас олишига бемор ўзига келгунча давом эттирилади



## **Корхонада ифлос чикинди окова сувларни тозалаш усуллари.**

### **1. Окова сувларни механик услубда тозалаш.**

Бу услубда окова сув органик, неорганик моддалардан тозаланади. Маиший хизмат, коммунал Хужалиги чикиндилари (ИЛ) Махаллий унит сифатида, саноат корхоналари чикиндилари кушимча хом-аше урнида ишлатилади.

а) Сузгич-сим темир панжара. Тур кенглиги 15-20 мм булганда тозалаш унумдорлиги 0.1 м 2 суткага тенг булади. Тур ва темир панжаралар оркали ушлаб колинган аралашмалар махсус майдалагичлар оркали майдаланади сув тозалаш иншоотида кайтариледи.

### **2. Чуктириш.**

а) Кум ушлагич мослама. Кум ушлагич мослама окова таркибидаги гил, кум, металл заррачаларини, муаллак моддаларини чуктириш йули билан тозалайди. Муаллак моддаларнинг диаметри 0.25 мм. гача булганини 15-20% га тозалайди. Кум ушлагич мосламадан утаётган окова сув тезлиги 0.15 м/сек дан кам ва 0.3 м/сек. дан тез булмаслиги лозим. Оковани утиш вакти (кум ушлагич мосламадан) 2-2,5 мин ташкил килади.

Кум ушлагич мослама остига чуққан кум, гил, органик моддалар киритувчи юритувчи мослама ердамида тозаланиб туради. Кирувчи мосламанинг харакат тезлиги 0.02-0.06 м/сек. булиб иш унумдорлиги 0.4-1,5 м.#соатига тенгдир. Окова сув таркибида коммунал таркибида коммунал хужалик сувларидан 1 кишига 0.02 л/сут, ишлаб чикариш корхоналари оковасида 0.01 л/сутка микдорида булади.

### **б) Тиндириш.**

Филтрлаш усули оркали жуда хам чуқур эришилади. Бу усул механик, химик ва биологик тозалашдан кейин кулланилади. Филтр учун шагал, кум, мармар майдалари керамит, атрасит кумири каби материаллардан фойдаланилади.

## **ёнғин хавфсизлиги**

Ёнғин иқтисодиётга катта моддий зарар етказади. Бунинг устига, кўп ҳолларда ёнғин вақтида бахтсизлик ходисалари ҳам рўй беради. Бу эса ўз навбатида ёнғиндан сақланиш ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларини яхши ўрганиб-билиб олиш ҳамда уларни ўзаро узвий боғлай билиш вазифасини юклайди.

Ёнғинга қарши кўрашиш техникасининг вазифалари ёнғин чиқиш сабабларини ўрганиш, ёнғиннинг олдини олишнинг энг мақбул усулларини, шунингдек ёнғинни қисқа вақт ичида ўчириш воситалари ва усулларини топиш ҳамда белгилаб олишдан иборатдир. Ёнғин махсус манбадан ташқарида бўладиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш бўлиб, жуда катта моддий зарар етказади. Ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғиндан сақлаш тартиблари ёнғиннинг очиқ аланга ва учқунлар, ҳаво, буюмларнинг юқори температураси, захарли ёниш маҳсуллари, тутун, кислороднинг камайиб кетиши, бино ҳамда иншоотларнинг қулаши ва шикастланиши, портлаш каби омилларнинг одамларга таъсирининг олдини олиш керак. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун ёнғин-портлаш жихатдан хавфли модда ва материаллар ўрнига ёнмайдиган ҳамда қийин ёнадиган материал ва моддалардан иложи борича кўп фойдаланиш, ёнувчи муҳитни изоляциялаш (технологик жараёнларни автоматлаштириш, герметиклаш ва ҳ.к.), ёнғиннинг ёниш манбадан атрофга тарқалишига йўл қўймаслик, ўт ўчириш воситалари, гуруҳли ҳамда якка тартибда ҳимоя

### **Куйганда биринчи ёрдам кўрсатиш**

Куйишлар терига юқори ҳароратни таъсирида (термик) ва кислота ва ишқорларни таъсирида (кимёвий) содир бўлади. Оғирлиги бўйича куйишлар тўрт даражага бўлинади.

**Биринчи** даражали куйишда терининг қизариши, унда шиш пайдо бўлиши, иккинчида – суюқликка тулган пуфакларни пайдо бўлиши, учинчида – терини ўлиши, тўртинчида – терининг кўмирга айланиши кузатилади.

Биринчи даражали куйишда терининг куйган жойи тоза сув оқими, совуқ сут маҳсулотлари (қатик, сметана ва бошқа), одекалон, арок ёки марганцовканинг кучсиз эритмаси, 70<sup>0</sup> ли спирт билан намланади.

*Иккинчи ва учинчи* даражали куйишда терининг жароҳатланган жойига микробларни ўлдирадиган материал қўйиб боғланади. Суюқликка тўла пуфакларни ёриш ва кийимларни ёпишган жойларини ажратиш мумкин эмас.

Тананинг куйган жойларини кийимлардан ажратишда ўта эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Бундай ҳолларда кийимни ечишда, тананинг куйган жойи шилинмаслиги ва ифлосланмаслиги керак.

Электр ёйи таъсирида кўзлар куйганда уни 2 % ли бор кислотаси эритмаси билан чайиш керак.

Кислота ва ишқорлар таъсирида тананинг куйган жойи 12...20 минут давомида совуқ сув оқими билан ювилади. Сўнг, кислотадан куйган ҳолатда сода эритмаси билан, ишқорда куйганда эса сирка ёки бор кислотасининг кучсиз эритмаси билан чайилади.

Тўртинчи даражали куйиш терини оғир жароҳатланишига олиб келади, бундан ташқари у жароҳатланган одамни эсанкирашига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда эсанкираш ҳушни йўқотишга олиб келади. Бунинг натижасида томир уришини қийинчилик билан аниқланилади, кўз айланади, нафас олиш тез ва юзаки бўлади, баъзан сезгирлик йўқолиб, инсон бирдан оқариб кетади. Бундай куйишда врачгача биринчи ёрдам куйидагилардан иборат бўлади: жароҳатланган кишини куйган жойига ёпишган қолган кийимлари эҳтиётлик билан ечилади. Кийим бўлаклари тортиб олинмайди, балки, куйган жой чегарасидан қайчи билан кесиб олинади. Терига марганцовкани кучсиз эритмаси билан ишлов берилиб стерилланган боғлам қўйилади. Врачгача биринчи ёрдам кўрсатилгандан сўнг жароҳатланган киши тезлик билан тиббиёт муассасасига олиб борилади.

## **Махсус кимёвий воситалар ёрдамида ўчириш**

Ёнувчи маталларни ўчириш жуда мушкул ҳисобланади. Бундай ёнувчи металлар қаторига калий, натрий, литий, цирконий, магний ва бошқаларни киритиш мумки.  $\text{CO}_2$  магнийнинг ёнишини тезлаштириб юборади. Ёнаётган металлга сув сепаиб ўчирмоқчи бўлсангиз, унда портлаш рўй ва металл парчалари анча узоқ масофаларга тарқалиб ёниш зонасини кенгайтириб юборади. Ҳаттоки куруқ қум ҳам ёнаётган металл таъсирига тушиб қолиши ва қумнинг парчаланиши кузатилади. Бунда соф ва кремний бирикмалари ҳосил бўлади. Кремний намликни ўзига тортиб, реакцияга киришади, натижада ёнувчи ва заҳарли газлар ҳосил бўлади. Шунинг учун бундай металларни ўчиришда махсус химиявий порошоклардан фойдаланилади. Асосан порошоксимон графит,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ,  $\text{MgCO}_3$ ,  $\text{MgO}_2$  ва уларнинг аралашмалари, шунингдек суюлтирилган инерт газлардан фойдаланиш мумкин.

## **Ўт ўчириш воситалари**

Автоматик ўт ўчириш системасига спринклер қурилмалари киради. Спринклерлар асосан ёнғин хавфи юқори бўлган саноат корхоналарига ўрнатилади. Машинасозлик корхоналари ёнғинга унча хавfli бўлмаганлиги сабабли, унга спринклер қурилмалари ўрнатилмайди.

Спринклер қурилмалари ўрнатиладиган хоналарга ёки цехларга босим остида сув ўтказувчи қувирлар ўрнатилади ва бу қувурларга спринклер бошчалари ўрнатилади. Мабодо ёнғин содир бўлса иссиқлик таъсирида спринклер ишга тушади, яъни сув чиқиш тешиги очилиб сув сепа бошлайди. Унинг сув чиқариш тешгидан маълум масофада ўрнатилган доира шаклидаги тўсиқ сувни кенг кўламда сачрашини таъминлайди. Ҳар бир спринклер бошчаси 6-9 м<sup>2</sup> майдонга сув сачратиб, ўт ўчиришни таъминлайди. Бундай қурилмалар ўрнатилган корхоналарда содир бўлган ёнғинларнинг 90% шу қурилмалар ўт ўчириш командалари келгунда қадар ўчиришга улгургани аниқланган. Спринклер қурилмасининг асосий ишчи қисми спринклер бошчаси ҳисобланади. Унинг бир томони резбали қилиб


тайёрланган. Шу томонини сув ўтказувчи қувурга бураб ўрнатиб қўйилади. Унинг иккинчи томонига бронзадан қилинган халқа ўрнатилган. Халқа тутқичи охирига дефлектор ўрнатилган. У спринклер бошчаси тешигидан чиқадиган сувга тўсиқ вазифасини бажаради. Сув дефлекторга урилиб ҳар томонга ёйилиб сочилади. Бронза халқа спринклер бошчасига юпка металлдан қилинган диафрагмани қисиб туради. Диафрагма ўртасида тешик бўлиб, у шиша клапан билан беркитилган. Бу клапанни юпка пластинка ушлаб туради. Пластинка асоси халқа билан енгил эрувчан модда ёрдамида ёпиштириб қўйилган. Енгил эрувчан модданинг эрувчанлиги шароитга мослаб танланиши мумкин. Агар бино ичидаги ҳаво ҳарорати кўтарилса, унда енгил эрувчан модда эриб кетади ва бу диафрагма тешигини беркитиб турган шиша клапаннинг тушиб кетишига сабабчи бўлади. Шундан кейин спринклер бошчаси махлум майдон бўйлаб сув сепа бошлайди.

Спринклер системасига келтирилган сув маълум қурилмалар орқали ўтганлиги сабабли, бу қурилмалар ёнғин чиққанини билдирувчи сирена билан сигнал беради.

Спринклер қурилмалари билан бир қаторда дренчер қурилмаларидан ҳам кенг фойдаланилади. Дренчер қурилмаларининг спринклердан асосий фарқи унда енгил эрувчан кулфли қурилма ўрнатилмайди. Уларни ишлатиш асосан сув ўтказиш кранларини очиш йўли билан амалга оширилади.

### **Ёнғинга қарши яшин қайтаргичлар**

Момоқалдиروق бўлиб, чақмоқ чаққан пайтда атмосферада ҳосил бўладиган юқори электр кучланишлари  $1500000\text{ В}$  ва ток кучи эса  $20000\text{ А}$  га етади. Бундай юқори кучланиш ва ток кучи таъсиридан ер юзидаги кўпгина ўрмонлар, турар жой ва саноат корхоналари ёниб кетиши, бузилиши ҳамда инсонларга эса катта моддий зарар етказишидан ташқари захарланиш, куйиш, жароҳатланишлар сабабчисига айланади.



### Яшин қайтаргичлар:

а) Таёқсимон яшин қайтаргич; б,в) Тўқилган арқонсимон яшин қайтаргич

Қурилиш биноларини яшинлар туфайли ёнғинлардан ҳимоя қилиш, инсонлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланиладиган бино, иншоотларда яшин қайтаргичлар ўрнатилади.

Яшин қайтаргичлар СН 305-77 асосида амалга оширилади.

Яшин қайтаргичлар асосан яшин қайтаргич ўрнатиладиган устун, яшин тутиш қурилмаси, ток ўтказгич ва ерга уланган қисмлардан иборатдир.

Яшин қайтаргичнинг икки хил туридан: таёқсимон ва тўқилган арқонсимон турларидан фойдаланилади.

Улар бинодан айрим ўрнатилган ёки бино ичига киритилган ҳолда ўрнатилиши мумкин.

Яшин қайтаргичнинг муҳофазалаш қобилияти унинг электр токини яхши ўтказувчанлиги ва ерга чуқур ўрнатилган металл қисмлар орқали яшинни ерга ўтказиб юборишига асосланган.

Бунда яшин қайтаргич муҳофазаланаётган бинога нисбатан баланд ўрнатилганлиги ва унинг электр токининг оқиб ўтишига қаршилиги кам

бўлганлиги учун яшин бинони шикастламайди ва ерга ўтиб кетади. Яшин қайтаргич муҳофаза қилаётган минтақанинг яшиндан муҳофаза қилиш коэффициентини 0,99 га тенг. Стерженсимон яшин қайтаргичлар муҳофазаланаётган объект майдонига қараб битта ёки бир неча бўлиши мумкин.

Троссимон яшин қайтаргичлар бино устида битта ёки бир неча тортилган симлардан иборат бўлади.

Ҳар бир сим икки томонидан устунларга тортиб қўйилади ва бир томонлама ерга улаб қўйилади.

Пўлатдан қилинган симлар, трубалар, рухланган пўлатдан тўқилган арқон ва бошқалар яшин қабул қилувчи сифатида ишлатилиши мумкин. Ток ўтказгич сифатида пўлатнинг қўндаланг кесими  $36 \text{ мм}^2$  дан кам бўлмаган хоҳлаган хили ва шаклидан фойдаланиш мумкин. Яшин қабул қилиш қурилмаси ва ток ўтказгичлар кавшарлаб ёпиштирилади. Ерга улаш қурилмаси юзаки бўлиши мумкин, бунда шохсимон ҳолда ёки нурсимон тартибда ер остига 1 м чуқурликда 30 м дан кам бўлмаган нурлардан ташкил топган металл таёқлар ётиқ ҳолда кўмилади.

### **Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза**

#### **қилишнинг моҳияти ва асоси**

Бизга маълумки, XX асрнинг 60-йилларидан фуқаро мудофааси тизими фаолият кўрсатиб келган. Унинг асосий вазифаси тинчлик даврида ва уруш шароитида мамлакат аҳолисини ялпи қирғин қуроллари ва бошқа ҳужум воситаларидан ҳимоя қилиш, уруш шароитида халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда ҳалокат ўчоқларида қутқариш ва тиклаш ишларини ўз вақтида самарали амалга оширишдан иборат эди.

Лекин аҳоли ҳаётига фақатгина оммавий қирғин қуроллари эмас, балки бошқа хавф-хатарлар ҳам таҳдид солиб турадики, уларни назардан четга қочириш асло мумкин эмас. Булар турли табиий офатлар, авария, ҳалокатлардир. Содир бўлиб ўтган бир неча ҳалокатлар (мас., Чернобил

атом электр станциясидаги авария, 25000 одамнинг ёстиғини қуритган. Спитак зилзиласи ва бошқ.) фуқаро муҳофаазининг ўрни ва вазифаларига бошқача кўз билан қараш керак эканлигини кўрсатиб берди. Фуқаро муҳофаази кўшинлари бундай йирик кўламдаги офатларга қарши курашишга тайёр эмас эканлиги, фуқаро муҳофаази вазифалари фақатгина ҳарбий давр чегарасида бўлишлиги мумкин эмаслиги, улар олдига қўйилган вазифалар кўламини кенгайтириш лозимлиги аён бўлиб қолди. Эндиликда фуқаро муҳофаази учун авария, ҳалокат ва табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, авария-қутқарув ишларини олиб бориш билан бирга содир бўлиши мумкин бўлган ғавқулда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларни башоратлаш вазифаси янгидан номланиб фуқаро муҳофаазиси (ФМ) зиммасига юкланган.

### **Ишлаб чиқариш авариялари**

Авария деганда бажариладиган ишнинг бирдан тўхтаб қолиши, ёки саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши, транспортларда ва бошқа объектларда моддий бойликларнинг бузилиши, йўқ бўлиши тушунилади.

Аварияларнинг келиб чиқишига қуйидаги омиллар сабабчи бўлиши мумкин:

- ◆ табиий офат туфайли;
- ◆ иншоотларни лойиҳалашда ёки уни қуришда қўйиладиган хатоликлар туфайли;
- ◆ ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши;
- ◆ транспорт, механизм, жиҳозлардан нотўғри фойдаланганда;
- ◆ агрессив моддаларни (портловчи, тез алангаланувчи заҳарли моддаларни) нотўғри сақланиши ва уни ишлатилиш қоидаларининг бузилиши оқибатида;
- ◆ техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ва бошқалар.

Мана шундай хатоликлар туфайли ишлаб чиқаришларда катта авариялар содир бўладики, оқибатда кўпдан-кўп инсонлар жабрланади ва



моддий бойликлар йўқ бўлиб кетади. Кимё, нефтни қайта ишловчи, қоғоз ишлаб чиқариш, гўшт-сут, озиқ-овқат, металлургия, кончилик ва бошқа саноат корхоналарида авариялар ҳамда, сув тозалаш иншоотларида темир йўлларда КТЗМ ни ташишда кўп учрайди.

КТЗМ кўрсатилган концентрациядан ортиқ бўлганда одамларга, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига, ўсимликларга, ташқи муҳитга кучли таъсир этиб, турли даражада шикастлантиради. КТЗМ қаторига технологик жараёнларда қўлланиладиган аммиак хлор, сульфат кислотаси, водород фторид, азот, олтингугурт оксидлари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Баъзи бир КТЗМ ларни физик-кимёвий ва заҳарли хусусиятлари 5-жадвалда келтирилган. Шулардан саноатда кўп ишлатиладигани аммиакдир.

**Аммиак** — нашатир ҳидли рангсиз газ. Уни саноатда совутгич воситаси сифатида, азотли ўғитлар олишда ва бошқа мақсадларда ишлатади. Агар аммиак ҳаво билан 4:3 нисбатда аралашса портлайди. Аммиак сувда яхши эрийди. Унинг юқори концентрацияси инсоннинг марказий асаб тизимини издан чиқариб, паллаж бўлишига олиб келади. Агар аммиак таъсирида инсон заҳарланса, бир неча соатдан сўнг ўлимга олиб келади. Терига тегса турли даражадаги жароҳатланиш рўй беради.

## ХУЛОСА.

Ушбу БМИда кафедра томонидан “Янги ариқ туманидаги қишлоқ хўжалик “Машина-тракторларни” таъмирлаш корхонасининг электр таъминоти тизимини реконструкция қилиш” мавзусида битирув малакавий иши берилган эди. Унга кўра мен корхонанинг электр таъминоти тизими ишлаб чиқдим. Корхона юкламаси суткалик юклар графигини тахлили асосида талаб коэффициентини усулида ҳисобланди. Корхонанинг электр таъминоти тизими 2 босқичда: 1-ташки электр таъминоти; 2-ички электр таъминоти. Барча босқичларда техник ечимлар иқтисодий кўрсаткичларни таққослаш асосида танлаб олинди. Корхона ички электр таъминоти 2 вариантда кўриб чиқилди: 1-вариант 2та 2х400 кВА трансформаторли подстанциядан иборат электр таъминоти тизими; 2-вариант, 1та 2х250 кВА трансформаторли подстанциядан ҳамда 1та 2х400 кВА трансформаторли подстанциядан иборат электр таъминоти тизими схемаси кўриб чиқдим. Электр таъминоти ишончилигини таъминлаш учун икки трансформаторли схема, секциялараро ўчиргичли шиналар тизими қўлланилди. Иккинчи вариантда биринчи вариантдан фарқли ўлароқ кабеллар магистрал уланди. Ҳар бир вариант техник иқтисодий кўрсаткичлар асосида танлаб олинди. Сарф харажатлар ҳозирги нархларда ҳисобланди. Электр энергиясига тўловлар икки ставкали тўлов ставкаси асосида ҳисобланди. 2-вариант йиллик келтирилган харажатлари 1-вариант йиллик келтирилган харажатларидан камроқ бўлди. Шунинг учун 2 вариант схемаси ва трансформаторларнинг юкланиш коэффициентлари мейёрий кўрсаткичларга тўғри келгани учун 2-вариант схемаси қабул қилинди.

Бундан ташқарида МБИ да атроф муҳит муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлимида экология ва техника хавфсизлиги муамоларини кўриб чиқдим.

## А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. И.А.Каримов. Жаҳон молавий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. «Ўзбекистон», 2009 й
2. Турдиев М.Т., Садуллаев Н.Н. «Электроэнергетика» йўналиши бўйича малакавий – битирув ишини бажариш учун услубий кўрсатма. Бух ОО ва ЕСТИ, 2002 й.
3. Блок В.М. Учебное пособие по дипломному и курсовому проектированию для электроэнергетических специальностей. М.: «Высшая школа», 1991 г.
4. Справочник по электроснабжению промышленных предприятий. Под редакцией А.А. Фёдорова и Г.В. Сербиновского -М.: Энергия, 1980 г.
5. Справочник по электроснабжению промышленных предприятий. Под редакцией В.Г. Круповича -М.: Энергия, 1986 г.
6. Неклепаев Б.Н. Электрическая часть станций и подстанций. Справочное пособие для дипломного и курсового проектирования. М.: Энергоиздат, 1986 г.
7. <http://energoarhiv.narod.ru>
8. [http://www.dombayinfo.ru/hotel\\_energetik](http://www.dombayinfo.ru/hotel_energetik)
9. <http://www.energetika.by>
10. <http://energetik-m.ru>
11. <http://www.energoteh.com>
12. <http://www.rg.ru/tema/ekonomika/energetika/index.html>
13. <http://energeticsupp.narod.ru>